Тошкент ҳақиқати

№ 169 (10.418).

1992 йил 10 декабрь пайшанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилинди!

Суратда: Тарихий ҳужжат қабул қилинди.
Р. Жуманиёзов ва Р. Нуриддинов (ЎзА) сурати.

8 декабрь—умумхалқ байрами—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни!

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Конституция комиссияси тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўлалигича қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинсин.

8 декабрь дам олиш куни ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 декабрь.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 8 декабрь куни Тошкентда иш бошлади. Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев мажлисни бошқариб борди.

Халқ нойиблари вафот этган нойиблар Х. Ҳалимов ва А. И. Захаровни бир дақиқа сукут сақлаб хотирладилар. Мандат комиссиясининг раиси Ш. М. Мирзиёев шу комиссия номидан маъруза қилди. Олий Кенгаш янги сайланган нойиблар — Т. Жўраев (35-Профессорлар сайлов округи), А. М. Муталов (38-Университет сайлов округи), А. А. Айдарқулов (330-Хатирчи сайлов округи), А. Мардиев (301-Қорадарё сайлов округи)ларнинг ваколатларини тасдиқлади.

Нойиблар сессия котибиятини сайладилар, кун тартибини тасдиқладилар. Кун тартибига ўттиздан ортиқ масала киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг раиси И. А. Каримов парламент аъзолари ҳузурида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳада тутган йўли, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моддама-модда муҳокама этилганидан сўнг гулдурос қарсаклар билан қабул қилинди.

Олий Кенгаш қабул қилган Қонунга биноан 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни, деб эълон қилинди.

Олий Кенгаш Конституцияни кучга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов халқ нойибларини, республиканинг барча фуқароларини тарихий воқеа — мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилингани билан табриклади.

* * *

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 9 декабрь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Кун тартибидаги навбатдаги масалаларни муҳокама қилишга киришишдан олдин раислик қилувчи Тожикистон делегациясининг раҳбари, шу Республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Х. Ҳидиралиевга сўз берилди. Делегация раҳбари Тожикистон қонун чиқарувчи олий органининг Ўзбекистон Олий Кенгашига Мурожаатномасини ўқиб беради. Унда Тожикистонга тинчликпарвар кучларни киритиш илтимос қилинган.

Тожикистон Олий Кенгаши Мурожаатномасини муҳокама қилишда халқ нойиблари Х. Э. Бердиев, Э. Ҳ. Сафаров, Д. Ҳамидов, С. Р. Сафарова қатнашдилар.

Шу масала юзасидан сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов сўзлади.

Ўзбек ва тожик халқларини кўп асрлик мустаҳкам қардошлик ришталар боғлаб турганлиги таъкидланди. Ҳаётий муҳим, қийин пайтларда бир-бирига ёрдам бериш зарур. Ўзбекистон қардош халққа ёрдам беришга тайёрдир, қўшни республикадаги мўжаро сиёсий усуллар билан ҳал этилиши керак.

Олий Кенгаш Тожикистон ҳудудида тинчлик ўрнатиш вазифасини бажариш учун бир батальондан иборат ҳарбий қисмни МДҲ Бирлашган қуролли кучлари Бош қўмондони ихтиёрига юбориш мумкин, деб ҳисоблади.

Олий Кенгаш кун тартибига киритилган навбатдаги масалаларни муҳокама қилишга ўтиб, Ўзбекистон Республикаси билан Украина давлатлараро муносабатларининг асослари, улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тасдиқлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Муталов жорий йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кутилаётган якунлари ва давлат бюджетининг ижроси ҳамда 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва давлат бюджетининг асосий параметрлари тўғрисида ахборот берди.

Шу масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Халқ нойиблари Ташқи ишлар вазири У. А. Абдуразоқовнинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Х. Ҳалилов ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Олий Кенгаш бу қонунни қабул қилди.

Сўнгра Олий Кенгаш иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва ўзини-ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хўжаевнинг маърузасини тинглаб, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги, аудиторлик фаолияти ҳақидаги, гаровга қўйиш тўғрисидаги, биржалар ва биржа фаолияти ҳақидаги қонуннинг 32-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги ҳамда корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, давлат божи тўғрисидаги, бир марта олинадиган йиғин ҳақидаги, транспорт воситаларига солинадиган солиқ тўғрисидаги қонунларни қабул қилди.

Республика прокурори Б. М. Мустафоевнинг ахбороти юзасидан прокуратура тўғрисидаги қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди. Прокуратура ходимларининг тоифа даражалари, рағбатлантириш ва интизомий масъулияти тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ички ишлар идораларининг жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни маъмурий назорат қилиш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексида ва жиноят кодексида кўзда тутилган жарима миқдорини қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги, жиноят кодекси ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларини қўлланиш тартиби ҳақидаги, шунингдек сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандлик касалига учраганларни мажбурий равишда даволаш ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сессия котибиятининг раҳбари С. Аҳмадқулов нойибларга сессия номига келган мактублар ва телеграммалар ҳақида сўзлаб берди.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Олий суд таркибига ўзгартишлар киритилди.

Соғлиқни сақлаш, аёллар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитетининг раиси Х. М. Усмоновнинг ахбороти юзасидан парламент бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни тасдиқлади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг раҳбарлари 1992 йил 9 октябрда Бишкек шаҳрида имзолаган депортация қилинган шахслар, кам сонли миллатлар ва халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларга доир битимни ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг ҳарбий соҳадаги хавфсизлиги концепцияси тўғрисидаги битимни, шунингдек ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномани ҳам сессия тасдиқлади.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Олий Кенгаш Раёсатининг қарорларини тасдиқлади.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН—КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ нутқи

Ассалому алайкум, халқ нойиблари!

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Олий Кенгашимизнинг бу машварати йил охирига — қиш кираётган пайтга тўғри келди. Халқимиз, меҳнат аҳлимиз барча соҳаларда муносиб ғалаба ва ютуқлар билан йилни якунлаяпти.

Ушбу анжуманда кўпчилик қишлоқ хўжалик ходимлари, фаолияти қишлоқ ҳаёти билан чамбарчас боғланган нойиблар ўтиришибди. Бу йил қишлоқ хўжалиги соҳасида жуда оғир келди. Аммо табиат инжиқликларига қарамай, деҳқонларимиз тер тўкиб, муносиб ҳосил етиштирдилар.

Имкониятдан фойдаланиб сизларга, муҳтарам халқ нойиблари, сиз орқали барча деҳқон аҳлига ўз миннатдорлигимни, ўз меҳримни изҳор этмоқчиман. Қўлингиз дард кўрмасин!

Муҳтарам нойиблар!

Мустақиллигимизнинг бир йиллигини яқиндагина нишонладик. Албатта, бир йил дегани абадият дунёсида бир дақиқа каби қисқа фурсатдир. Аммо сарҳисоб этадиган бўлсак, шу бир йил ичида республикамизда қанчадан-қанча воқеалар юз берди!

Асосий мавзуга ўтишдан олдин ҳаётимиздаги ҳозирги даврга хос баъзи бир хусусиятлар, қадриятлар ҳақида алоҳида гапирмоқчиман.

Авваламбор, шуни таъкидламоғимиз керакки, қисқа муддат мобайнида юртдошларимизнинг, халқимизнинг савиясида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу, энг аввало, сиёсий савияга тегишли гап. Истиқлол туфайли кишиларимизнинг ватанга, она заминга меҳрли муносабати шаклланиб боряпти. Шуни очиқ айтишимиз зарур: илгари бутун собиқ СССР ҳаритасини қамраб олган Ватан туйғусини онгимизга сингдириш тамойили кучли эди.

Бугун эса ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз унинг куч-қудратини, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда бутун вужудимиз билан ҳис этамиз.

Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этяпти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз.

Ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қоиқлардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топди.

Бугун диққат қилсак, истиқлол қўлга киритилганидан сўнг биз ўз кучимизга, қудратимизга кўпроқ ишона бошладик. Шу туфайли барчамиз вазминлашиб, ўз қадр-қимматимизни теранроқ англай бошладик.

Бугун биз ўзаро жипслашиб, том маънодаги халқ бўлиб, майда-чуйда ғиволарга мутлақо эътибор бермайдиган кучга айландик.

Бугун биз бир нарсани аниқ биламиз: вақти-соати келиб Ўзбекистон давлати росмана куч-қудрат касб этади. Ўз бойлигига, ўзига хос ва ғоят мукаммал ҳамда буюк давлат тизимига эга бўлади.

Муҳтарам халқ нойиблари!

Таъкид этиш лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу **танланган йўлга ишончимиз. Бу — халқнинг улуғ мақсадимизга ишонгани.**

Халқимизга қуруқ ваъдалар эмас, балки аниқ режалар керак. Бемалол айтиш мумкинки, сиз билан биз чиқарган қонунлар ва фармонларда асосли имкониятлар ва аниқ бажарса бўладиган режалар ўз ифодасини топди.

Ҳаётимизни айрим собиқ Иттифоқдош республикалар — бугунги янги мустақил давлатлар ҳаёти билан қиёсласак, **бизнинг халқимиз миттингбозлик, дабдабабозликка берилмасдан тинч, қадамба-қадам яратувчилик фаолияти билан банд эканини кўрамиз. Ишчи — дастгоҳ ёнида, деҳқон —**

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил ноябрь ойида Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган XVI сессиясининг Тожикистон заминида тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, ҳокимият ва бошқарувнинг конституциявий идораларини тиклаш, издан чиққан халқ хўжалигини йўлга солишга қаратилган тадбирлар қабул қилиш, қочоқларни доимий яшаш жойларига қайтаришга доир қарорларини қўллаб-қувватлаб:

1. Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг янги раҳбарияти (И. Раҳмонов), Республика ҳукумати (А. Абдуллажонов) жамиятнинг барча қатламларига таяниб, Тожикистондаги соғлом кучларни жипслаштириш, ички сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, низоли масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш, аҳолини бунёдкорлик меҳнатига қайтариш учун зарур шарт-шароит яратиб берадилар деб умид билдиради.

2. Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсати, Республика ҳукумати қардош тожик халқига ёрдам кўрсатиш учун юборилаётган кучларнинг хавфсизлигини таъминлайди деб ишонч изҳор этади.

3. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бирлашган қуролли кучларининг Бош қўмондонлиги ихтиёрига Тожикистон Республикаси ҳудудида тинчликни таъминлаш муддаосини бажариш учун бир батальон ҳарбий аскар юбориш мумкин деб ҳисоблайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорни бажариш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни илдамлик билан ҳал этишни топширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Муҳтарам халқ нойиблари!

XVI сессияга йиғилган Тожикистон Республикаси халқ нойиблари республиканинг тақдири учун ўзларининг тарихий масъулиятини англаб, бирдаркушлик урушини қоралаб ва тожиклар диёрида яна тинчлик ва осойишталик ўрнатилишини қатъий ёқлаб, ички сиёсий вазиятни барқарорлаштириш учун негиз яратдилар.

Ушбу сессияда қонунининг бедодлик устидан тантана қилганлиги, жамиятни ҳалокатга солиб турган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий муаммоларни амалдаги Конституция асосида ҳал этишга қайтилганлиги Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши ишининг энг асосий ютуғи бўлди.

Тинчлик йўли оғир ва машаққатли бўлишини тушуниб турибмиз. Айни вақтда бизнинг бошимизга тушган фожиа инсонлар ҳаётига, халқ тақдирига, ер юзида тинчлик ва омонликка бепарво қарамайдиган ҳар бир кишининг юрагига қайғу солаётганини ҳам биламиз. Тожикистонда МДҲда қатнашувчи давлатларнинг, аввало Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикасининг маънавий ва моддий ёрдами ҳамда мададини ҳамиша ҳис этиб ва юксак қадрлаб келганмиз.

Анъанавий ва тарихий дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз ва ўзаро ёрдам ришталарининг мустаҳкамлиги мана шунда яққол намоён бўлмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлмиш Тожикистон Республикасининг Олий Кенгаши тинч аҳолини ва ҳаётий муҳим иншоотларни ҳимоя қилиш мақсадида, республикада тинчлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш манфаатларини кўзлаб, Олмаота учрашувида қатнашган МДҲ мамлакатларининг раҳбарларига мурожаат этди ва Тожикистонга тинчликпарвар кучларни юборишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши бизнинг Мурожаатномамизни кўриб чиқиб ҳамда халқимизнинг қайғу аламига ва азоб-уқубатига ҳамдард бўлиб, Тожикистон Республикасида тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг кафили бўла оладиган қисмлар ва бўлинмаларнинг Россия қуролли кучлари 201-мотоўқчи дивизияси таркибида тинчликсеварлик вазифасини ўташда иштирок этишига розилик беради, деб умид қиламиз.

Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида 1992 йил 1 декабрь куни қабул этилган.
Хўжанд шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида

ЎЗБЕКИСТОН—КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Бошн 1-бетда).

далада, врач — шифохонада, муаллим — синфхонада, хуллас, ҳар ким ўз жойида меҳнат қиляпти. Бу меҳнатнинг кўзга ташланиб турган қувончли натижалари беқиёсдир.

Кишиларга томорқа ва уй-жой қуришга ер теккани, аҳолини газ, сув билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни олинг, булар аниқ натижалар эмасми?

Ишнинг кўзини билган, касбига моҳир кишиларда келажакка ишонч пайдо бўлаяпти. Меҳнатимизнинг меваси кўриняпти.

Бундан тўрт-беш йил олдин пахтадан безганимизни ким эсламайди? Бунинг сабаблари нимада эди?

Асосий сабаби шуки, ўзбек пахтасини кимдир қаёққадир олиб бориб, қайсидир нархда кимгадир сотиш пайидан бўларди. Бир эътибор беринг-а, қанчалар мавҳум бу гаплар! «Кимдир», «қаёққадир», «кимгадир» ва «қайсидир»—яқин ўтмишда биз гувоҳ бўлган савдолар ана шу сўзларда ўз ифодасини топган эди. Биз меҳнатимиз мевасидан ўзимиз баҳраманд бўлолмасдик.

Бугун нафақат меҳнатга, балки меҳнатимизнинг натижасига ҳам ўзимиз эга бўляпмиз. Ўзбек халқи ўз пахтасини ўзи сотиб, фойдасини ҳам ўзи оляпти ва шу тариқа кўзи очиляпти.

Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. **Ўзбек ўзлигига ишона бошлади.** Такрор бўлса-да, айтиш керак: Наврўз тиклангани, ҳайитлар тиклангани жуда савобли ишлар бўлди.

Миллий, маънавий қадриятларни юксалтириш борасида бир барча билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ҳеч қайси ижтимоий тоифа бу ишдан четга суриб қўйилгани йўқ.

Мен бугун мамнуният билан таъкидламоқчиманки, **халқимизнинг кўнглини кўтаришда, унинг қаддини ростлашда кўпчилик дин вакиллари, юзлаб имом-хатибларимиз бизга яқиндан ёрдам берштилар.** Бошқа айрим мусулмон республикаларидаги диндошларидан фарқли ўлароқ, улар халқни бирлаштиришни, ўзаро низо ва нифоқлардан йироқ туришни тарғиб этмоқдалар. Бунинг натижасида бошқа ижтимоий-сиёсий тадбирларни ҳам уйғун этган ҳолда, биз жумҳуриятимизда бугунги энг катта бойликни — тинчликни барқарор этишга эришдик.

«Ўзбекчилик» деган олижаноб тушунча борки, бунн айрим оғзига кучи етмаганлар нотўғри талқин этадилар. Ўзбекчилик — миллатчилик дегани эмас. Баъзи нғвогарлар «Каримов халқни миллатчилик йўлига бошламоқда» деган фисқ-фужурларни тарқатиб юрганидан хабарим бор. Йўқ, Каримов ҳам, у суянган **халқ ҳам миллатчилик кўчасидан ўтмаган ва ўтмайди ҳам. Бизнинг олий мақсадимиз — мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг ғзатини жойига қўйиш.**

Биз яхши англаймизки, ўз ғззати ва қадрини билган инсон миллат ажратмайди. Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади.

Худога минг қатла шукр-ки, ўзбекларимизнинг бошқа халқларга муносабати ижобийдир. Юртимизда яшаётган бошқа халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчга айланган.

Истиқлолга эришган халқ ўзгаларга зуғум қилмайди. Маълумки, тазйиқ ва таҳқир туйғуси аламзадалик уйғотади. Биз эса тазйиқ ва таҳқирдан қутилган, ўз қадрини билган халқмиз. Ўз кучига ишонган ва ўзгаларга ҳамдард бўла олишга қодир эркин халқмиз.

Бизнинг кўнглимиз кўтарилганининг боиси шуки, халқимиз жиндашиб, бир-биримизга меҳрли, оқибатли бўла бошладик. Шу нарса бизга умид, ишонч ва куч бағишламоқда, тинч-тотув ҳаётга асос бўлмоқда.

Бу жиддий сабаблари ҳаммамизга маълум. Аммо яна бир жиҳат борки, уни алоҳида айтиб ўтиш лозим. Биз янги ҳаёт қуриш учун бел боғладик, бироқ ўтмишга маломат тошларини отмадик. Халқимизнинг ўтмишга тош отиш — гуноҳи азим, деган асл ақидасини ёдда тутдик.

«Сен—коммунист», «сен — диндор», «сен—кофир» деган каби ўртага рахна солувчи маломатлар бўлмади. Биларднкки, биз ҳаммамиз эски замондан ўсиб чиққанмиз. **Ўтмишни тафтиш қилиш ёки уни инкор этиш — ўз илдизимизни ўзимиз кесишимиз билан баробар эканини яхши англадик ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан асраб қолдик.**

Тўғри, «шунча одам қамалди», «шунча одам партиядан ўчди» деб Москвога мактаниб ҳисобот берган баъзи бир кимсаларнинг қилмишларини унутганимиз йўқ. Аммо, гапнинг рости, уларга ҳам кек сақламадик.

Биз кўрган чора-тадбирлардан асосийси шуки, яхши одамлар хор бўлишига йўл қўйилмади. Бадном этилган кўп минглаб кишиларнинг пок номлари тикланди. Бунга мисол этиб — Ўзбекистонга кўп йиллар хизмат қилган, халқимизнинг атоқли фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаганимизни эслаш кифоя.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Давлат мустақиллигига эришилгандан кейин **биз ўзимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимизни танлаб олдик, бу эса Ўзбекистоннинг қатъий йўлидир.**

Бу жараён Ўзбекистонда ҳозирдаёқ бошланиб кетди. Республиканинг Олий Кенгаши чиқарган қонунларга таянган ҳолда шу жараённинг ҳуқуқий негизи яратилди. Республиканинг барча фуқаролари ва корхоналарига ташаббус ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун тенг имкониятлар берилган. Бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириш таъминланмоқда. Мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш, рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан қатъиян воз кечиш, иқтисодий омиллар ва воситаларни кенг жорий этиш бозор муносабатларининг ўзагидир.

Бозор тармоқлари мажмунни шакллантириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Банк тизими қайта ташкил этилмоқда. Республиканинг Марказий банки бошқарув органларидан мустақил бўлиб қолди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банклари тармоғи вужудга келтирилди. Давлат моддий-техникавий таъминоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш тизими тубдан ислоҳ этилди. Универсал ва ихтисослаштирилган товар-хом ашё биржалари, брокерлик идоралари ва савдо уйлари очилди. Дастлабки холдинг ва лизинг компаниялари, суғурта ва аудиторлик хизматлари, юридик ташкилотлар, бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган мутахассислар тайёрловчи марказлар пайдо бўлди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий асослари яратилди ва бу жараёнлар бошланди. Натижада 1991-92 йиллар мобайнида давлат объектларидан икки мингга яқини бошқа мулкчилик шаклларига айлантирилди, шулардан тахминан 600 таси хусусий мулк қилиб, 70 таси жамоа мулки қилиб берилди, 80 таси — сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага топширилди, 200 тадан кўпроқ иншоот акционерларга берилди.

Давлатга ва идораларга қарашли уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёни жадал давом этмоқда. Ҳозиргача 200 мингдан зиёдроқ квартира фуқароларга текинга берилди ёки аҳоли томонидан сотиб олинди.

Саноатда, қурилишда, савдо-сотиқда, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида салкам 200 минг кишини бирлаштирган мингдан ортиқ ижара корхонаси ишлаб турибди. Ҳозир ишлаётган кооперативлар сони 4 мингтадан ошиб кетди, уларда 70 мингдан зиёд киши иш билан банд. Саноатда ҳозирнинг ўзидаёқ 200 тадан кўпроқ, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида эса салкам 400 та хусусий корхона мавжуд. Хусусий тадбиркорлик соҳасида 30 мингга яқин киши фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодиётнинг деҳқончилик соҳасида ҳам бозор муносабатлари тобора авж олиб бормоқда. Фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантириш ва шахсий томорқа участкалари майдонларини кенгайтириш мақсадида жамоат секторидан салкам 700 минг гектар ер аҳолига топширилди.

Давлатга қарашли бўлмаган сектор республика иқтисодиётида тобора сезиларли аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ҳосил қилинган миллий даромадда бу секторнинг улуши ҳозирдаёқ тўртдан бир ҳиссадан кўпроқни ташкил этмоқда.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилган тузилмасини тубдан ўзгартириш бошлаб юборилди ва корхоналарнинг ўзига кўпроқ мустақиллик берилмоқда. Аксарият тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Уларнинг негизида хўжалик уюшмалари, концернлар ташкил қилинди, катта корпорациялар тузилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Хорижий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналарни рўйхатга олиш жараёни анча соддалаштирилди. Ҳозирги вақтда республикада жаҳоннинг 45 мамлакатидан ўз сармояси билан иштирок этаётган 460 корхона рўйхатга олинган.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқилган қоидаларга мувофиқ қатъий равишда, яъни босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бунда «шок терапияси» усуллари мустасно қилиниб, давлат имкониятлари ҳисобидан одамларни, айниқса, аҳолининг ижтимоий ночор табақалари: етим-есирлар, болалар, ўқувчилар, нафақачилар, ногиронларни, ёлғиз оналар ва камбағал оилаларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича олдиндан чоралар кўриб борилмоқда.

Йил мобайнида нархлар эркин белгиланиши натижасида даромадлари аниқ қилиб қўйилган шахсларнинг иш ҳақини ошириш, меҳнатга тўланадиган ҳақ ва нафақаларнинг энг оз миқдорини ўзгартириш юзасидан бир неча марта қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда иш ҳақи ва нафақанинг солиқ олинмайдиган энг оз миқдори собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида энг юқоридир.

Молиявий маблағлар чекланган бўлишига қарамай, бошланғич синфларнинг ўқувчилари учун бепул нонуштани сақлаб қолиш, мактаб ўқувчилари ва талабалар овқатланиши учун харажатларнинг ярмини қоплаш маъқул деб топилди. Аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кескинликни йўқотиш учун энг муҳим молларни белгиланган нархлар бўйича; маълум миқдорда бериш, халқ истеъмоли молларини купонлар бўйича сотиш, маҳсулотни республика ташқарисига маълум рухсатнома — лицензияга мувофиқ олиб чиқиб кетиш тартиби жорий этилди.

Валюта тушумининг талайгина қисми чет элларидан озиқ-овқат ва дори-дармон харид қилишга сарфланди. 1992 йилда донннг ўзидангина 3,2 миллион тонна харид қилинди, 40,5 минг тонна гўшт сотиб олинди. Мана шуларнинг ҳаммаси ички бозорнинг ҳолатига ижобий таъсир ўтказди, аҳоли турмуш тарзининг кескин ёмонлашувига йўл қўймади.

Хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш тамойили изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Давлат буюртмаси тизимини тугатиш ишлари амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида парранда, тухум, асал, шифобахш ўтлар, деярли барча турдаги мевалар ҳамда бошқа бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашга давлат буюртмаси бекор қилинди. Сабзавотчиликда давлат буюртмаси етиштирилган ҳосил ҳажмининг 50 фоизигача камайтирилди. Хўжаликларга давлатга топшириладиган пахта толаси, гўшт, сут, донли экинларнинг 15 фоизини ва пилланнинг 25 фоизини шартномавий (эркин) нархларда сотиш ҳуқуқи берилди.

Давлат иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш воситалари — нархлар, солиқ ва кредит сиёсатидан яна-да фаолроқ фойдаланадиган бўлиб қолди. Амалда барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари бир неча марта қайтадан кўриб чиқилди. Кейинги йилларда пахта нархининг ўзигина 9 баробар ошди.

Ўзбекистонда қарор топаётган очиқ-ойдинлик ва тенг ҳуқуқли шериклик қоидаларига асосланган ташқи сиёсатни халқаро жамоатчилик ва энг катта молиявий, банк тузилмалари фаол қўллаб-қувватламоқдалар. Йил мобайнида етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг, йирик хорижий фирмалар ва банкларнинг вакиллари вужудга келган вазиятни ва ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш мақсадида бир неча марта республикамизда бўлдилар. Ўзбекистоннинг жаҳон валюта фондига, жаҳон банкига, Европа қайта тиклаш ва ривожланиш банкига қабул қилингани ана шу ишнинг якуни бўлди. Республикамизда жаҳон банкининг доимий ваколатхонаси иш бошлади. Яқин вақт ичида Европа қайта тиклаш ва ривожланиш банкининг ваколатхонаси ҳам очилади.

Республиканинг Халқаро молия корпорациясига, Халқаро меҳнат ташкилотига, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ва бошқа бирлашмаларга аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги масалалар ҳал қилинди. Ўзбекистон ёрдам кўрсатиш объекти сифатида Европа тараққиёт ва ҳамкорлик қўмитасининг рўйхатига киритилди. Жаҳондаги 24 тараққий этган мамлакат ана шу қўмитанинг аъзосидир. Зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва технология ускуналарини харид қилиш учун Ўзбекистонга кредит йўлларини очиш тўғрисида ҳукуматлараро қарорлар қабул қилинди. Қўшма корхоналар барпо этиш, чет эл банкларининг бўлимларини очиш тўғрисида кўпгина фирмалар билан шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон хорижий сармоядорларни бой имкониятлари билангина эмас, балки:

— авваламбор, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги;

— иқтисодий тараққиёт истиқболларининг аниқ-равшанлиги;

— республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги;

— хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунларнинг имтиёзли шартлари билан ҳам ўзига жалб этмоқда.

Аммо шуни қайта-қайта таъкидлаш керакки, чет эл сармояси Ўзбекистонга келишининг асосий шарти республикамиздаги барқарорликдир.

Азиз дўстлар! Ҳаммамизга яхши аёнки, Ўзбекистонда янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни тоталитар тузум емирилиши, иттифоқ парчаланиши, хўжалик алоқаларининг узилиши сабабли вужудга келган ниҳоятда мураккаб шароитда амалга оширилмоқда. Барча собиқ Иттифоқдош республикаларда иқтисодий танглик чуқурлашди, ишлаб чиқариш кескин пасайиб, пул тобора қадрсизланмоқда. Бир қанча минтақаларда миллатлараро муносабатлар кескинлашган, бегуноҳ одамларнинг қони тўкилмоқда, юз минглаб, эҳтимолки, миллионлаб кишилар бошпанасиз қолмоқдалар.

Илгари яхлит халқ хўжалик мажмуининг бир қисми бўлган ва марказнинг иқтисодиётни фақат хом ашё билан таъминлаш сиёсати оқибатининг салбий таъсирини бошдан кечираётган Ўзбекистон ҳозир ҳам бошқа республикалар билан хўжалик муносабатлари орқали чамбарчас боғлачгандир. Бундай муносабатларни рублнинг қадри тўхтовсиз тушиб кетаётган шароитда ҳам унинг минтақаси доирасида давом эттиришга мажбурмиз.

Республика ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун хом ашё, ёқилғи, ускуна ва технологиянинг айрим турларинигина эмас, балки ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотлари — дон, қанд-шакар, гўшт ва бошқа маҳсулотларни, шунингдек, халқ истеъмоли молларининг кўп хилларини четдан олиб келишга мажбурдир. Бунда у ҳар гал нархларни тўхтовсиз ошириб бораётган монополиячиларнинг оғир шартларига дуч келмоқда.

Шу боисдан корхоналарнинг ва умуман республиканинг молиявий аҳволи ҳамон кескинлигича қолмоқда. Бюджет имкониятлари анча чекланган. Давлат бюджети йил охирида талайгина камомад билан якунланади.

Бундай шароитда салбий жараёнларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини камайтиришга, танг вазиятдан чиқиш шарт-шароитларини вужудга келтиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Республикада барқарорлаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар, иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш натижасида нарх-навонинг кескин ўсишига ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига йўл қўймасликка муваффақ бўлинмоқда.

Бу йил республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 9 фоиз камайиши кутиляпти. Бу, албатта, салбий натижа. Аммо йилни якунлаётган бошқа жумҳуриятлардаги аҳволга назар ташласак, кўп нарса аён бўлади. Масалан, бу кўрсаткич Россияда 22 фоиз, Қозоғистонда — 16 фоиз, Туркманистонда — 24 фоиз камайиши кутиляпти.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, республикамизда бу йил нефть қазиб чиқариш, газ, енгил саноат тармоқларида ва асосан маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга йўналтирилган ҳамда ташқаридан етказиб бериладиган хом ашёга камроқ қарам бўлган бошқа баъзи тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш 1991 йилга нисбатан кўпаяди.

Бинокорлик материаллари саноатининг, озиқ-овқат саноати корхоналарининг иши бирмунча барқарорлашяпти.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Айтилган гаплар якунида шуни таъкидлаш мумкинки, янгиланган жамиятни барпо этиш йўлида бошланғич босқичдан ўтилди. Тоталитар тузумдан, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан демократик жамиятга ва бозор муносабатларига ўтиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Республиканинг қишлоқлари ва шаҳарларида ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни, осойишталикни таъминлаш учун ҳамма ишлар қилинмоқда.

Республика ташқи дунёга юз тутиб, яккаланиш исканжасидан халос бўлди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги амалда таъминланмоқда. Республикада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи яратилди, бу эса ана шу ислоҳотларга муқаррар тус беради.

Олдинда ҳали кўп муаммолар бор. Республика учун, унинг халқи учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча катта-катта вазифаларни ҳал этиш лозимдир.

Мустақил давлат сифатида биз аввало ўз кучимизга таянишимиз зарур. Агар биз яқин вақт ичида кишиларнинг аҳволини ҳақиқатан яхшилашни, уларга ишонч бағишлашни, республиканинг қудратини мустаҳкамлашни истар эканмиз, мавжуд моддий, молиявий ва сармоя имкониятларини ақл-фаросат билан тасарруф этишимиз шарт. Бор ҳақиқат шундан иборатки, биз ҳамма ишга бир вақтнинг ўзида, бирйўла киришишга, муаммоларнинг ҳаммасини бирваракай ечишга ҳозирча қодир эмасмиз.

Шуни ҳисобга олиб, биз 1993 ва ундан кейинги йилларнинг истиқболини кўзлаётган бир пайтда, биринчи навбатда ҳал бўладиган ва халқ хўжалигимизни оғир аҳволдан тараққиёт ва равнақ йўлига чиқарадиган энг муҳим муаммоларни ечиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Давлат сиёсатининг эътибори ва кучи ана шу йўналишларга жалб этилган.

Ушбу дастурнинг айрим муҳим жиҳатларини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайман.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий эътибор бериб келинди ва кейинги ислоҳотларимизда ҳам бу ҳол ўз устунлигини сақлайди. Негаки, ҳозирги пайтда айни мана шу соҳада гоят катта имкониятлар мавжуд. Ана шу имкониятларни ишга солиб, биз аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан таъминлашни яхшилаш билан бирга, одамларни иш билан банд қилиш, қишлоқ аҳолиси катта қисмининг ёлчиб яшаши имконини топамиз.

Қишлоқ миллий бойлигимизнинг муҳим манбаидир. Бугунги иқтисодиётимизда ва ижтимоий турмушда, бинобарин, сиёсатимизда ҳам қишлоқ соҳаси халқимизнинг фаровон ҳаёти, республикамизнинг тараққиёти ва ўсиш суръатларини ҳал қиладиган муҳим тармоқдир.

Энг аввало, қишлоқ хўжалиги билан саноат маҳсулоти нархлари ўртасидаги мувозанатни тиклаш зарур бўлади. Харид нархлари жаҳон даражасига етказилгунча муттасил ошириб борилади.

Мавжуд сармоялар ҳам қишлоқ фойдасини кўзлаб сарфланиши лозим. **Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш** биз учун асосий йўналишлардан биридир. Агар биз шундай қилмасак, истиқболимиздан маҳрум бўламиз. 1993 йилда 15—20 минг гектар янги ер ўзлаштиришимиз керак. Янги ерларни ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини, мелиорация ва ирригацияни ривожлантириш орқали ҳосилдорликни ошириш учун маблағ топишга бутун чоралар билан ёрдам берамиз. Шундай қилиб ва замонавий чет эл технологиясини жорий этиш йўли билан республикада асосий экинлардан иқлим шароитлари айнан ўхшаш мамлакатлардагидан кам бўлмаган ҳосилдорликка эриша оламиз.

Давлат томонидан ёрдам берилмаса, қишлоқнинг оёққа туриши амримаҳол. Бунда гап 1993 йилга мўлжалланган маблағлар тўғрисидагина бораётгани йўқ. **Биринчи навбатда бу** — қишлоқдаги ислоҳотларни қизғин қўллаб-қуватлаш, давлат мулкчилигини жамоа мулкчилигига айлантириш, хўжалик юритишнинг кооператив шакларини бутун чоралар билан ривожлантириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш, уларни зарур кредитлар, техника, минерал ўғит, емхашак, уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш демакдир. Бу — деҳқонларнинг манфаатларини, уларнинг нимани экиш, ўз маҳсулотини кимга ва қандай нархда сотиш кераклигини мустақил белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш демакдир.

Давлат республиканинг донга, қанд-шакар ва бошқа қимматли маҳсулотга бўлган гоят катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, уларни етиштириш ҳажмларини оширишни, шундай экин майдонларини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириб бораверади.

Яна бир ниҳоятда муҳим ишимиз — аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини ҳимоя қилиш. Бу масала асло пайсалга солиб бўлмайдиган энг асосий вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Сессияда фаолиятимизнинг мана шу йўналишини халқимизга бозор сари олиб борадиган бош йўл деб эълон қилиш мумкин. Ижтимоий муҳофаза қилиш воситасини такомиллаштириш лозим бўлади. Бу воситани ўзгариб бораётган шароитларга мослаштириб, нархнавонинг ўсишига ва пулнинг қадрсизланишига тезда мувофиқ ҳолга кела оладиган қилиш керак. Шундай бир восита зарурки, бунда аҳолининг турмуш даражаси турли иқтисодий ва ижтимоий ларзаларнинг таъсиридан пухта ҳимояланган, кафолатланган бўлсин. Кишиларнинг ижтимоий кафолатларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўядиган аниқ-равшан қонунлар ва янги норматив ҳужжатлар қабул қилиш керак.

Бунинг маъноси шуки, нафақа билан таъминлаш, талабаларга, кўп болали ва камбағал оилаларга ҳақ тўлаш тизимида уларнинг турмуш даражаси бюджет воситаси ва давлат кафолатлари орқали ҳам, турли хайрия жамғармалари, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг жамғармалари орқали ҳам сақлаб турилиши, уларга мадад берилиши мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа—соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан айниқса мушкул аҳволда қолмоқда. Биз учун тарихий, маданий, умуман, маънавий қадриятлар, халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак ва бу соҳалар ҳисобидан маблағларни тежай олмаймиз. Ҳозирги мураккаб даврда бу тармоқларни қатъий қўллаб-қувватлаш, шу соҳаларда ишлаётган кишилар меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоя қилиш, моддий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Яқин истиқболдаги энг муҳим муаммо — халқ хўжалигимизнинг ички тузилишини ўзгартиришдир.

Тоталитар тузум оқибати, унинг бутунлай издан чиққан бир тарафлама иқтисодиёти республикада ҳали талай вақт ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб туради.

Шу кунгача халқ хўжалигининг деярли барча тармоғида тугал бўлмаган ишлаб чиқариш асосий ўринни эгаллаб келди. Унинг технологияси хом ашёни дастлабки қайта ишлаш босқичида узилиб, асосан чала маҳсулот ишлаб чиқаришдан нари ўтмайди. Тайёр, аниқроғи, товар маҳсулот берадиган тармоқлар — энг заиф бўғиндир.

Мантиққа зид манзара вужудга келади. Республика жуда катта миқдорда меҳнат ва моддий харажатлар қилиб, ер ости бойликларининг улкан заҳираларини сарф этиб қимматбаҳо қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиради-ю, асосан улгуржи нархларда фақат хом ашё сотади. Фойда, бюджет тушумлари тарзидаги мўмай даромад эса мамлакатимиз ташқарисида қолади.

Бунга аччагина мисоллар келтириш мумкин. Нитрон, капролактам, кимёвий толалар ишлаб чиқаришни, тўқимачилик маҳсулотини ҳамда қора, рангли ва асл металлар ишлаб чиқаришни шулар жумласига киритиш мумкин. Умуман иқтисодиётимиз қанчалик издан чиққанини ва ночор бўлганини кўрсатувчи аниқ далиллар эмасми булар? Собиқ марказ Ўзбекистонни, бутун Ўрта Осиёни хом ашё манбаи сифатида сақлаб қолиш мақсадида ўтказиб келган сиёсатнинг оқибатларини бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Ҳозирча республика беҳисоб хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш, уни сақлаш, ташиш ва сотиш учун зарур қувватларга, замонавий технологияга эга эмас. Ҳолбуки, айни ана шу хом ашё — республиканинг, ўзбек халқининг бойлиги ва фаровонлик манбаидир.

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар биз республикада бор хом ашё ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, республикамизда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тахминан уч баробар кўпайтиришимиз мумкин.

Муҳтарам ноиблар!

Навбатдаги муҳим масалага ўтмоқчиман. **Республика тараққиётда асосан ўзининг кучларига таянишга мажбур эканини назарда тутадиган бўлсак, барча муаммоларимизни ҳал этиш учун яхши негиз, дастлабки сармоя зарур.**

Шу муносабат билан бугунги кунда халқ ҳаётини таъминлайдиган энг муҳим тармоқларни ривожлантиришга асосий эътибор беришни турмушнинг ўзи талаб қилмоқда. Чунончи, кончилик — нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб олиш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари, кимёвий тола, пластмассалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўламларини кенгайтириш орқали республиканинг мазкур тармоқлар маҳсулотига бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, валюта тушумларини кўпайтириш, хорижий сармояларни жалб этиш мумкин бўлади.

Геологик ва қидирув ишларининг натижалари, гоят мўл минерал бойликларнинг жойлашиш шароитлари кўпгина хорижий компаниялар ва фирмаларни қизиқтирмоқда. Улар бу соҳадаги ишларни ривожлантириш учун маблағ сарфлашга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Айни шу тармоқлар республиканинг мустақиллигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларини келгусида жадал ривожлантириш учун муҳим замин бўлиб хизмат қилади.

Яна бир муҳим йўналиш — Ўзбекистоннинг экспорт имкониятини ошириш масаласи. Бир вақтлар Иттифоқда Ўзбекистон четга маҳсулот чиқариш ҳажми жиҳатидан учинчи ўринни эгаллаб эди. Тўғри, бу улушнинг катта қисми пахта экспортига тўғри келарди. Экспортнинг бундай йўналишини сақлаб қолиш биз учун мақбул эмас.

Бир ҳолни чуқур англашимиз керак: четга бу қадар кўп пахта сотиш республикамизда тўқимачилик ва енгил саноат ривожи кўзланган даражага етгунча давом этиши мумкин. Биз барча тараққий топган ва маърифатли мамлакатлар каби пахта билан эмас, аввало, тайёр маҳсулот билан савдо қилишимиз зарур.

Табиий савол туғилиши мумкин: бизда экспортни кескин ошириш имконияти борми? Ҳа, бор. Бунинг учун биз, даставвал, қимматли **хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантиришимиз, чет эллик шерикларимиз билан замонавий нхчам корхоналар ташкил этиб, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига — авваламбор қишлоқ жойларига яқинроқ** жойлаштиришимиз керак. Бу корхоналарнинг барчаси одатдагидек илғор технология билан жиҳозланиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариши аслида зарур. Бу масаланинг аҳамиятини ҳисобга олиб, маҳсулотни экспорт қилишга асосланган иқтисодиётни шакллантиришга доир махсус дастурни ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз лозим, деб ўйлайман.

Биз бу ишда иккита принципга қатъий амал қиламиз.

Биринчиси: бирорта корхона, бирорта идора чет элда сотиладиган ва қатъий валюта тарзида даромад келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқармаса, хорижий сармоя олмаслиги керак.

Иккинчи принцип: илғор хорижий фирмалар билан алоқа боғламаган ва битимлар тузмаган бирорта ҳам корхона бўлмаслиги даркор. Бу гап маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган барча корхоналарга тааллуқлидир.

Шундагина биз жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан боғлиқ бўлган очиқ иқтисодиётни барпо эта оламиз. Республиканинг имкониятларига ва куч-қудратига қизиқиш жуда катта. Шу боисдан, агар биз ана шу имкониятдан тўғри фойдалана олмасак, ғирт аҳмоқоқа иш бўлади. Ўзбекистоннинг келажаги — экспорт имкониятини ривожлантиришдан иборат, деган шиор республика барча ватанпарварлари учун мақбулдир.

Ҳурматли ноиблар!

Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурмоқчи эканмиз, бозор хизмат тармоқларини шакллантириш ва изчил ривожлантириш стратегик жиҳатдан устун йўналишдир. Ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар — тижорат банклари тармоғини, замонавий молия ва солиқ тизими, аудит, суғурта воситаси ва биржа фаолиятини ривожлантирмай туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Афсуски, бугун биз сиёсатимизнинг мана шу йўналиши энг заиф бўғин эканини эътироф этишга мажбурмиз.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: молия ва кредит бозори, солиқлар тартиби ҳали тўла кучга киргани йўқ. Корхона ва ташкилотлар ҳамон давлатдан маблағ олишга кўз тикмоқдалар. Тижорат банклари асосан марказий банкдан олинаётган кредитлар билан иш кўрмоқда. Уларнинг ўз кредит маблағи жуда кам. Бу, энг аввало, Ўзбекистон саноат-қурилиш банкига, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига ва ўзларини тижорат банклари деб ҳисоблаётган бошқа банкларга тааллуқлидир.

Давлатнинг ва корхонанинг маблағлари алоҳида-алоҳида бўлиши керак. Корхоналар ўз маблағига ёки тижорат банклари берадиган қарзга умид боғлашлари лозим. Бюджет маблағларидан фақат энг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларни, аввало, ижтимоий соҳа, янги таркибий йўналишлар эҳтиёжларини таъминлаш учун фойдаланиш қонда тусига кириши керак. Ҳозир банклар сармоя сарфлаш дастурларининг ташкилотчиларидан бири, ҳар бир тармоққа бевосита сарфланадиган маблағларнинг кафили бўлиши зарур. Давлат энг зарур ҳоллардагина корхоналарнинг, ташкилотлар, тижорат банкларининг фаолиятига қисман аралашиши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида

ЎЗБЕКИСТОН—КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Бошн 1 ва 2-бетларда).

Республикада эндигина шаклланаётган солиқ тизимига ғоят қаттиқ эътибор бериб, уни такомиллаштириш лозим. Биламизки, солиқлар давлат бюджети билан маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг асосий манбаидир. Солиқлар кенг қамровли, айни пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонага алоҳида қайишқоқ ва шароитга мослашувчан бўлиши зарур.

Солиқларнинг миқдорларини турли йўллар билан ошира бориш давлатга ва жамиятга наф келтирмаслигини ҳам англаб олишимиз керак, деб ўйлайман. Солиқлар даромадларнинг бир қисмигагина солиниши, айни вақтда халқ хўжалиги ва аҳолига керакли маҳсулот ҳамда молларни кўпроқ ва яхшироқ ишлаб чиқаришга интилаётган ташкилотларни ва кишиларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириши ҳам лозим.

Юртимизнинг истиқболи — бозор хизмат тармоқларини шакллантириш билан, келгусида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яккаҳокимликка қарши тадбирларни амалга ошириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни, яъни кўпчилик саноат корхоналарини акционерларга бериш лозим. Шу билан бирга маиший хизмат, маҳаллий саноат, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини хусусийлаштиришни жуда тезлаштириш керак. Давлат хусусий мулкни барча қонунлар ва ўз нуфузи кучи билан ҳимоя қилади, бу эса янги Конституция лойиҳасида ёзиб қўйилган.

Қадрли дўстлар!

Ҳаммамизга маълум, **рублнинг қадри пасайиб кетаётгани сабабли турмушимизда кўпгина муаммолар пайдо бўлмоқда.** Мутахассислар Россияда ишлаб чиқариш ёппасига сусайиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш камайиб, товар ресурслари қисқариб бориши натижасида пул янада қадрсизланади, деб тахмин қилмоқдалар. Россиянинг экспорт имкониятлари жуда қисқариши ва валюта тушумлари камайиши бунга асоратли таъсир қилиши мумкин.

Биз Россия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан иқтисодий жиҳатдан узвий боғланганмиз. Табиийки, рублнинг қадрсизланиши, унинг харид қобилияти пасайиши Ўзбекистондаги аҳволга ҳам салбий таъсир қиляпти, албатта.

Бир қарашда, бундай вазиятдан қутилишнинг энг оддий йўли — ўз пулимизни чиқариш, рубль зонасини тарк этишдир. Бироқ бу муҳим ишда «етти ўлчаб бир кес» деган халқ мақолига амал қилишимиз лозим, деб ўйлайман. Ҳар қандай пухта ўйланмаган қадам илгари қилинган барча ишларни чиппакка чиқариши, бизни бехосдан ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйиши мумкин. Буни ҳеч ким унутмаслиги зарур.

Шуни айтиш лозимки, биз ўз пулимизни чиқаришга техникавий жиҳатдан тайёрмиз. Бу борада ҳеч қандай сир йўқ. Ҳозирдаёқ биз ўз пулимизга эгамиз. Бироқ бу ишни амалга оширган Украина, Болтиқбўйи давлатларининг тажрибаси муаммога — вазминли ёндашув ва узоқни ўйлаб иш кўриш зарурлигига бизда яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Хўш, ўз миллий пулимизни жорий этишимизга нима тўсқинлик қилмоқда? Рубль зонасида қолишимизга нима мажбур этмоқда? Бунинг кўпгина сабаблари бор.

Авваламбор, республика, маълум сабабларга кўра, аҳолига зарур молларнинг деярли 60 фоизини ҳозирча ташқаридан келтираётганлиги бунинг энг асосий сабабидир. Мен бунда керакли озиқ-овқат, халқ истеъмол моллари билан бирга ёқилғи, техника, асбоб-ускуналар ва ёғоч-тахта тўғрисида гапирмаяпман. Буларнинг ҳаммаси четдан келтирилади. Биз барча собиқ Иттифоқдош республикалар билан савдо-сотиқда салбий балансга эгамиз. Яъни четга сотадиган маҳсулотимиз республикага олиб келинаётган моллардан анча кам.

Табиий савол туғилади: рублдан бугун воз кечсак, эртага олиб келинаётган молларнинг ҳисоб-китоби қандай бўлади? Ўзимизнинг миллий пулимиз — сўмимизнинг харид кучи етмаса, қайси ҳисобдан керакли маҳсулотларни четдан сотиб оламиз? Ҳозирча бу табиий саволларга жавоб топиш осон эмас.

Маълумки, **ўз миллий пулимиз республика маҳсулот билан таъминланганда-гина ўзининг муайян кучига ва нуфузига эга бўлади.** Бу пулга нимадир харид қилиш мумкин бўлсагина у ўз қийматини ва харид қобилиятини эгаллайди. Акс ҳолда, у шунчаки қоғозга айланиб қолаверади. Республикамиз ҳозирча ўзини зарур маҳсулотлар билан таъминлай олмайди ва шу боисдан ҳам биз ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади.

Бошқа муаммо ҳам бор. Миллий пул олтин заҳираси билангина эмас, айни пайтда эркин савдо муносабатида қатъий валюта билан етарли даражада мустаҳкамланиши ҳам зарур. Бундай валюта ўз маҳсулотимизни четга сотишимиз натижасидагина келиши мумкин. Бунинг учун биринчи галда маҳсулотимиз рақобатга бардошли бўлиши керак. Бизда бундай имконият борми? Афсуски, ҳозирча йўқ. Биз корхоналарнинг техникавий даражасини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Шарқий Германия бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўйлашимизча, у социалистик мамлакатлар орасида энг ривожланган, иқтисодиётнинг бирмунча такомиллашган тузилмасига эга бўлган ва тайёр маҳсулот устунлик қилган мамлакат эди. Ў Ғарбий Германия билан бирлашгандан кейин ҳар йили шарқий ўлканинг, яъни собиқ ГДРнинг техникавий даражасини юксалтириш, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ГФР қарийб 100 миллиард марка маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқда. Бугунги кунда собиқ ГДРнинг кўпгина корхоналари ишламаяпти, ишсизлар сони кундан-кун ўсиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 20—30 фоизини ташкил этмоқда. Мутахассислар у юртда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун камида 10 йил керак бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

Ўзбекистоннинг ўз пулини жорий этишга тўсқинлик қилаётган бошқа кўпгина сабаблар тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Бироқ мен қуйидагиларни айтиш билан чекланаман: бизнинг жўғрофий мавқеимизни, ишлаб чиқаришимиз таркиби, унинг техника билан жиҳозланиши даражаси, четга мол чиқариш ва четдан мол келтиришнинг таркиб топган нисбати, ишлаб чиқарилаётган молларнинг турлари ва сифатини назарда тутганда, ўз пулимизнинг **барқарор бўлиши ҳақида гапириш ҳозирча эртароқ.** Вақти келиб биз ўз миллий пулимизни жорий этамиз. Бироқ бу пул ўзининг салмоғига эга бўлади, мустаҳкам тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда аҳоли ва шерикларимизнинг ишончини қозонади.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозим: агар бу жараённи жадаллаштиришга бизни четдан мажбур этсалар, вазият ўзгариб кетиши мумкин. У пайтда бу масала кун тартибига қўйилади ва уни ҳал этиш, ҳал этганда ҳам ҳеч кечиктирмай ҳал этиш зарур бўлади.

Ҳурматли ноиблар!

1993 йил режалари хусусида гапирар эканмиз, ҳамманинг кўнглида табиий бир савол туғилади: хўш, ризқу ўзимиз етарли бўладими, аҳоли таъминоти қониқарли аҳволда сақланадими?

Аввало, озиқ-овқат ва бошқа энг зарур истеъмол моллари ҳақида. Барча имкониятларимизни ва ижро этилаётган шартномаларимизни батафсил ҳисоблаб чиқиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг таъминоти масаласи янаги йилнинг май — июнь ойларига қадар етадиган даражада ҳал этиб қўйилган. Бу масалада ортиқча ташвишга ўрин йўқ.

Дўстлар!

Сиз билан биз ҳозир мураккаб ва масъулиятли тарихий даврни бошимиздан кечираяпмиз. **Шубҳасиз, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андазасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.** Биз ҳам республикамизнинг миллий давлатга хос бўлган иқтисодий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгиляпмиз. Шу билан бирга, барқарор ва ҳалол бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этамиз. Ҳозир яшаб турганларнинг қисматигина эмас, биздан кейин ҳам шу ерда яшайдиган фарзандларимиз ва набираларимизнинг, дунёга келажак авлодларнинг тақдири ҳам биз қандай давлат қуришимизга боғлиқдир. Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бугун муҳокама қилинадиган биринчи Конституцияси шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолоти бўлажак.

Биз ўз тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олишимиз лозим. Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Биринчи Конституциямиз лойиҳаси ана шундай халқчил қомус бўлишига ишонаман. Сабаби — унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди.

Унда бу ҳужжатга амал қилиб яшовчи фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўз аксини топади, деб ишонамиз. Юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принципларн ҳам лойиҳада муҳим ўрин тутади.

Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат? Авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — **инсон** деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда **«фуқаро — жамият — давлат»** ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.

Лойиҳа инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва, ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Биз сўнгги етмиш йил ичида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган. Яъни «давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар». Собиқ тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким ҳа ёлига ҳам келтира олмасди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Ниҳоят, Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинади. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституциявий суд жорий этилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиши, бунда халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасида Конституцияда талайгина ижобий жиҳатлар мавжуд. Бу борада лойиҳа инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципиал қоидаларини ўзига сингдирган. Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги даҳлсиздир.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари даҳлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Асосий қонун лойиҳасининг «Жамият ва шахс» деб номланган учинчи бўлимида жумҳурият иқтисодиёти мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминлаган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниши, хусусий мулки ҳимоя қилиниши таъкидланади. Мақсад — иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яккаҳокимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Давлатнинг хўжалик фаолиятига яккаҳокимчилик тарзида аралашувга чек қўйилади, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланади.

Янги ҳужжатда ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган. Ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган кишилар эса иқтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қиладилар.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга иқтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради. Айни вақтда яккаҳокимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига рахна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, Конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим.

Конституция лойиҳасида ҳурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаётган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. **Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир.**

Лойиҳада ана шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйғун фаолият воситалари, шунингдек, бу идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланди. Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар маҳкамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлмиш: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг ваколатлари мукаммал белгилаб қўйилган.

Асосий қонун лойиҳасида Ўзбекистоннинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида боб бағишланди.

Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Ўзбекистон билан Қорақалпоғистоннинг ўзаро муносабатлари ҳар икки республика ўртасида тузиладиган шартномалар ва келишувлар асосида тартибга солинади. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, янги Конституция лойиҳасини яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинди. Шунингдек, ривожланган демократия мамлакатлари ҳисобланмиш Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Олмония, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатлари — Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституция тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси — эўр сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир. У жаҳон майдонида янги суверен давлат — Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётгани ва меҳнат қилаётганидан дарак беради.

Ҳурматли халқ ноиблари, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилар эканмиз, бир муаммога эътиборларингизни жалб қилмоқчиман.

Баъзи бир кимсалар эски ўйинларига берилиб, орамизга ҳар хил миш-миш, совуқ гапларни, иғволарни тарқатиш ҳаракатида юришибди. Нима эмиш: агар тақдим этилган Конституциянинг лойиҳаси қабул қилинса, эртага Олий Кенгаш тарқатиб юборилар, депутатлар ўз ваколатларидан маҳрум бўлар эмиш.

Бундай афсона, иғво гапларга нима жавоб қилишимиз мумкин? Авваламбор, Конституция лойиҳасини қабул қилиш масаласида Олий Кенгаш қарорининг сизларга тарқатилган лойиҳасида бу саволларга аниқ жавоблар берилган. Ҳамма ноиблар, жумладан, Олий Кенгаш, жойлардаги маҳаллий кенгашлар ноиблари ҳам ўз ваколатларини сақлайдилар, албатта. Олдимизда ҳали анча жиддий ишларимиз бор.

Ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир.

Қабул қилинган Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар.

Олдин тасдиқланган барча қонунларимизни ҳам янги Конституция кўзи-назари билан қараб, бошқатдан кўриб чиқишимиз зарур.

Шу жумладан, сайлов ўтказиш ҳақидаги янги қонунларни ҳам ҳар томонлама, умумхалқ муҳокамасига қўйиб, қабул қилишимиз керак. Бу ишларнинг ҳаммасини чуқур англаб, биргалашиб, бамаслаҳат ўтказиш учун, менимча, анча вақт керак бўлади.

Ишончим комилки, сиз, халқ ноиблари халқимиз, сайловчилар олдида белгиланган муддатларгача муносиб хизмат қиласиз, иншоолло.

Мен бўлсам, яна бир карра ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, фаолиятингизда омад, Оллоҳимиздан сизларга узоқ умр тилаб қоламан.

Ҳурматли ноиблар!

Аввал айтиб ўтганимдек, 1992 йил биз учун жуда оғир келди. Бу йил ўзбек пахтаси ярмига ҳам етмайди, деб фол очганлар ҳам кўп бўлди. Ғанимларимиз, Ўзбекистон асосий валюта манбаидан айрилди, деб севиндилар.

Азиз дўстлар!

Дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп. Аммо мақтаниш бўлса ҳам айтиб қўяй, **ўзбек деҳқонига етадигани кам.**

Деҳқонларимиз бу гал ҳам фидокорона меҳнатлари билан Ўзбекистон иқтисоди таназзулга тушади деб «каромат» қилган фолбинларга муносиб зарба бердилар.

Ана шу юксак минбардан туриб, ўз номимдан, ҳукуматимиз ва, муҳтарам ноиблар, сизларнинг номингиздан **ўзбек деҳқонлари шаънига яна бир карра офарин айтишни муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.**

Деҳқонни ҳам, чўпонни ҳам, пиллакашу ишчи дўстларимизни ҳам, ҳуллас марҳалонларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Ниҳоят, Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинади. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституциявий суд жорий этилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиши, бунда халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасида Конституцияда талайгина ижобий жиҳатлар мавжуд. Бу борада лойиҳа инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципиал қоидаларини ўзига сингдирган. Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги даҳлсиздир.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари даҳлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Асосий қонун лойиҳасининг «Жамият ва шахс» деб номланган учинчи бўлимида жумҳурият иқтисодиёти мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминлаган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниши, хусусий мулки ҳимоя қилиниши таъкидланади. Мақсад — иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яккаҳокимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Давлатнинг хўжалик фаолиятига яккаҳокимчилик тарзида аралашувга чек қўйилади, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланади.

Янги ҳужжатда ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган. Ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган кишилар эса иқтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қиладилар.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга иқтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб бера-

---

• *«Ангрен ҳақиқати» «Тошкент ҳақиқати» учун*

АНЪАНАГА САДОҚАТ

ХАБАРИНГИЗ бор, Бўка тумани деҳқонлари вилоятда биринчилардан бўлиб йиллик режани бажариб, давлатга 48 минг тоннадан знёд пахта етказиб берган эдилар. Бунда ангренликларнинг улуши салмоқлидир. Туман бўйича йиғиб-териб олинган ҳосилнинг 10 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Ангренликлар 13 октябрдан далага отланганлар. Мавсум давомида 6 минга яқин ангренлик пахтакорлар билан ёнма-ён ишлади. Улар ўйган хирмон ҳам 6 минг тоннага яқинлашиб қолди. Бу миқдор тумандаги 4-та хўжаликнинг давлат режаси ҳисобига топширган пахтасига тўғри келади. Штатсиз мухбиримиз Н. Душаевнинг шаҳар ҳокими ўринбосари, пахта штабининг бошлиғи Тўйчи Муталимович МУТАЛИМОВ билан суҳбати шу хусусда бўлди.

— Бу йил ҳам анъанамизга содиқ қолдик,— деб сўз бошлади Т. Муталимов,— аслини олганда, ўзимизнинг ишимиз «бошимиздан» ошиб ётганлиги сир эмас. Лекин, пахта ҳаммамизнинг бойлигимиз, риёқи-рўзимиз-ку. Бу йилги шароитда уни етиштириш осон бўлмади. Бўкалик пахтакорлар қийинчиликларни мардона енгиб, баракали ҳосил етиштирдилар. Бу ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳар йилдагидан ҳам кўра астойдил, бир ёқадан бош чиқариб, уюшқоқлик кўрсатиб ёрдам беришни ўзимизнинг шарафли бурчимиз, деб билдик. Шу мақсадда зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Шаҳар ҳокимияти йиғилишларидан бирида масала кўрилди. Ангрендаги барча корхона ва ташкилотлардан меҳнаткашларнинг 10 фоизи, олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари талабаларини эса ялпи ҳашарга жалб этиш тўғрисида келишиб олдик, махсус қарор қабул қилдик. Шундай қилиб, шаҳримиздаги 42 корхона ва ташкилот, 8 та олий ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ишчи-хизматчилари ва талабалари кўмакка отландилар. Улар гуруҳларга бўлиниб, тумандаги 17 та хўжаликда пахтакорлар билан ёнма-ён меҳнат қила бошладилар. Ҳисоблаб чиқсак, биз мавсум давомида уйган хирмон мўлжалимиздан анча ошиб кетипти.

Айтиш мумкинки, ҳар бир ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг ҳашарга келган ишчи-хизматчилари, талабалар ҳалол ва виждонан меҳнат қилишди. Ўз навбатида шаҳар ҳокимияти Бўка тумани ҳокимияти билан ҳамкорликда ҳашарчиларга, уларнинг унумли ишлашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилдик.

Шаҳар халқ таълими бўлими ходимларидан 700 нафар киши ҳам таътилни пахтазорларда ўтказди. Шаҳар давлат муассасаларидан 50 нафар киши йиғим-теримга жалб этилди. Ҳудудий тиббий бирлашма, шаҳар ички ишлар бўлими соқчилик бўлинмаси ходимлари ҳам йиғим-теримга баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар.

Уларнинг иссиқ-совуғидан вақтида хабар олиб туришни биринчи, даражали вазифа деб билдик. Штаб қошида марказлаштирилган дўкон фаолияти йўлга қўйилди. Шаҳар савдо ташкилоти бу дўконни пахта ёғи, шакар, гуруч, макарон, сариёғ, гўшт ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаб турди. Бундан ташқари шаҳар савдо ташкилоти томонидан тузилган кўчма савдо дўконлари тез-тез ҳашарчилар ҳузурида бўлиб турдилар.

Ҳашарчиларнинг саломатлигини назорат қилиб бориш мақсадида ҳар бир гуруҳга тиббиёт ҳамшираси бириктириб қўйилди. Йиғимга яқин ички ишлар ходими эса ҳашарчиларнинг осойишталигини таъминлашга сафарбар этилдилар. Ҳашарчиларга маданий ва маиший хизмат ҳам намунали ташкил этилди.

Шаҳар маданият бўлими бадиий ҳаваскорлик жамоалари концерт уюштирдилар, кинолаштириш идораси ходимлари эса турли мавзудаги бадиий ва ҳужжатли фильмларни намойиш этишди. Хуллас, ҳашарчиларнинг кайфиятини кўтариш учун нимаики зарур бўлса, барчасини амалга оширишга ҳаракат қилдик. Бу, албатта, ўз самарасини бермасдан қолмади. Ҳашарчилар ўзларининг меҳнат қилаётган жамоаларда ғайрат-шижоат кўрсатиб, унумдорлик билан ишлаб, етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишда фаоллик кўрсатдилар.

Бунда меҳнат беллашувига ижодий тус берганлигимизни ҳам таъкидламоқчиман. Манфаатдорлик рағбатлантиришда бош омил қилиб олинди. Бунинг учун асос ва замин бор эди. Шаҳар ҳокимияти 30 минг сўм, шаҳардаги «Ғиштчи» ширкати маъмурияти эса 25 минг сўм маблағ ажратганди. Ҳашарчилар тоифаларга бўлиниб мусобақа уюштирилди. Яъни корхона ва ташкилотлар ўртасида алоҳида, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида алоҳида, ҳунар-техника билим юртлари ҳашарчи талабалари ўртасида эса алоҳида ўзаро меҳнат беллашуви ташкил этилди. Ғолибларни аниқлашда адолат мезонига амал қилишни қатъий қилиб қўйдик. Мусобақага ҳар беш кунда якун чиқарилди. Ғолиблар 1,5 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди. Илғорларга, шунингдек, камёб молларни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган талонлар ҳам бериб турилди. Бундан ташқари пахтакор хўжаликларнинг маъмурнятлари ҳам ҳашарчиларни рағбатлантириб турдилар.

Мана, бугун йиғим-терим якунланмоқда. Қийин ва оғир шароитларда қаҳрамонона меҳнат қилган деҳқонларга раҳматлар айтилмоқда. Ана шундай дамларда бўкалик қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига сидқидилдан ёрдам берганлигимизни ҳис этиб, мамнун бўляпмиз. Дилдан қувонянмиз, ғурурланяпмиз.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Келгуси йилнинг март ойида Тошкентда Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг таниқли археологлари, мусиқашунослари ва театршунослари учрашувини ўтказиш мўлжалланди. Республикамиз пойтахтида баҳорнинг биринчи ойида «Ҳиндистон ва Ўзбекистон: тарихий ва маданий алоқалар. Ҳозирги замон бадиий жараёни муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтади. Бу анжуман икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилади.

Учрашув қатнашчилари маданиятларнинг бир-бирини бойитиши масалаларини муҳокама қиладилар, халқ анъаналари ҳозирги замон бадиий ижодиётида қандай акс этаётгани ҳақида фикрлашадилар. Анжуман давомида Ўзбекистон билан Ҳиндистон маданият арбоблари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинади.

Ўзбекистон томонидан анжуманда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институти мутахассислари иштирок этадилар. Улар анжуманга тайёргарликни бошлаб юборишди. Институт ишида Ҳиндистон тарихи ва маданияти муҳим ўрин тутади. Бўлғуси учрашувда қилинадиган маърузаларнинг асосий мавзулари белгиланди. Улар ўзбек театри ва киносида, республика рассомлари ижодида Ҳиндистон мавзусига таллуқлидир.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

НАҚШБАНДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИГА

КЎНГЛИ ПОК, ЭЪТИҚОДИ БУТ БОБОКАЛОНИМИЗ

Туркистон... Қўҳна тарих зарварақларидан фани, маданияти, маърифати билан ўзига хос муносиб ўрин эгаллаган, олиму уламолари, фозилу фузалолари, хоқону саркардалари билан жаҳонга донг таратган ўлка. Замона зайли билан, халқимизга ёт мафкура майли билан тарихимиз, асрий анъаналаримизни, умрбоқий аждодларимиз номини унутаёздик. Ҳайриятки, истиқлол қуёши балқиб, уларни йўқлайдиган, руҳи покларини шод этадиган кунлар насиб этди. Имом Баҳовуддин Нақшбандий ҳазратларининг нишонланажак 675 йиллик мавлуди шарифлари нафақат ул зотнинг, айни чоғда бошқа улуғ алломаларимизнинг ҳурматларини ҳам бажо келтириш демакдир.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан суҳбатлашди.

— Ҳазрат, авваламбор Имом Баҳовуддиннинг таваллуди, нима сабабдан Нақшбандий тахаллусини олгани ҳақида гапириб берсангиз...

— Бисмиллаҳир Роҳманир роҳим. Муҳаммад ибни Муҳаммад Жалолиддин Бухорий (Баҳовуддин) милодий 1318 йили Бухоро шаҳри яқинидаги қасри Орифон қишлоғида таваллуд топганлар. Ёшликлариданоқ ўткир зеҳнли, эътиқодли бўлиб вояга етадилар. Тасаввуфга қаттиқ берилишлари туфайли Насафга (Қашқадарё), амир Саййид Кулол хизматига йўл оладилар. Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръони карим ва Расуллоҳнинг суннатлари йўлини тутиб, мукаммал илм эгаллайдилар.

Нақшбанд тахаллуси у кишининг темирчилик билан шуғулланиб, темир буюмларга нақш солиш билан донг таратганлигидан келиб чиққанини ҳикоя қиладилар. Бошқа бир ривоятда эса, Аллоҳнинг зикрини ўзгалар қалбига ширинсуханлик билан бир фурсатда нақш янглиғ ўрнатиб қўя олганликлари сабабли ул зоти олийга шундай тахаллус берилгани айтилади.

— Аҳли мўминлар орасида «Баҳовуддин балогардон», «дарду балоларга қалқон», деган гаплар юради. Бунинг сабаблари, сир-синоати нимада?

— Ҳозир мусулмонлар орасида (асл диндорлар бундан мустасно) миш-мишлар тарқатиш, уларга ишониш, қабристонларга, шайх ва авлиёларнинг қабрига сиғиниш авж олиб турипти. Бунинг сабабларидан бири халқимизнинг диний жиҳатдан етарли хабардор эмаслигидадир. Насронийлар ёки яҳудийларда нега бу одат йўқ. Чунки, улар ўз динини ҳурмат қилади. Бизда эса, диндорларга баъзида салбий қараш ҳам бор. Аслида, ислом, исломий йўлдаги кишилар башариятга хизмат қилишади. Улар ўзидан кейинги авлодга ҳақиқат ва маърифат қолдирадилар. Сиз айтган «Баҳовуддин балогардон, дарду балоларга қалқон» ибораси ҳам динимиз ҳурматини жойига қўймаганимиз, халқимизнинг саводхон қисми айтганларига амал қилмаганимиздан пайдо бўлган.

Динимизнинг бош кўрсатмаси Аллоҳни якка-ягона билиш ва ёлғиз унга ибодат қилишдир. Демак, ҳожатларни раво этиш ҳам, дардларга шифо бериш ҳам ёлғиз унгагина хос.

— Нақшбанд таълимотида дини исломнинг асосий ғояларини халққа етиниш, инсон фазли камоли маъносида янада бойитилгани маълум...

— У тариқатнинг ҳозир кўпчилик амал қиладиган суликидир. Чунки унда Аллоҳнинг бирлигига, суннати набавияга даъват асосий ўрин тутади. Ул зотнинг таълимлари, бизга қолдирган меросларидан, дин билан дунёни ажратиб қўювчи оқимлардан фарқли ўлароқ, ҳам Аллоҳнинг зикрини қилишга, ҳам бола-чақа ризқи йўлида ҳалол тер тўкишга ундайди. Ҳазратнинг машҳур «Дилинг Аллоҳда-ю, қўлинг ишда бўлсин» деган қоидаси эл орасида кенг тарқалгани бежиз эмас.

Нақшбандия сулукининг Туркия, Олмония, Америка сингари мамлакатларда мухлислари бор. Бу эса унинг чинакам маърифат йўли эканидан далолат беради.

Ҳозир Бухороий шарифда литвалик икки оила нақшбандийликни мукаммал ўрганиш билан машғул. Ремас Юркус ва Анатолий Бухтияров ислом динини қабул этгач, исмларини ҳам исломий қилиб ўзгартиб олишди. Ремас — Абдураҳмон, Анатолий — Абдуллоҳ исми билан ибодатга машғул. Уларнинг аҳли аёли ҳам исломни қабул қилган. Мана шу мисолнинг ўзи Муҳаммад Ибни Муҳаммад Бухорий ҳазратларининг на фақат мусулмонлар оламида, Оврупо мамлакатларида ҳам катта обрў қозонганларини кўрсатиб турипти.

— Зоти олийнинг одамларга меҳрибонлик, тинчлиқ-тотувлик, оға-иниликка ундовчи ғоялари истиқлол йўлидан бораётган ҳозирги кунларимизда, айниқса пур маъно касб этмоқда...

— Нақшбандийлик асосида Аллоҳнинг бирлигига даъват, тоат-ибодат, пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалату вассалам суннатларига қатъий амал қилиш ғояси мужассам. Парвардигорнинг бирлигига қалби билан иймон келтирган киши ҳеч қачон ёмонлик қилмайди, жаҳолатга берилмайди. Ибодат билан машғул, ризқини ҳалол йўл билан топадиган одам ўзгаларга тили ва қўли билан асло озор етказмайди. Пайғамбаримиз суннатларига амал қилган киши бошқаларга меҳрибон, ҳурмат ва иззатни ўрнига қўювчи шахс бўлиб камол топади.

Лекин, афсуслар бўлсинким, халқимиз орасида Нақшбандия қарашларига зид оқимларга амал қилиш тамойили сезилмоқда. Бу «оғахонийлар», «имомийлар», «баҳоийлар», «аҳмадийлар» ва шунга ўхшаш кўплаб оқимлардир. Аҳлу сунна вал жамоа эътиқодидаги Мовароуннаҳр диёри уламолари бу ғояларга қарши бўлиб келганлар ва бундан кейин ҳам шу фикрда қоладилар.

— Наздингизда ул табаррук инсоннинг мавлуди шарифлари қай йўсинда нишонланмоғи даркор?

— Юқорида айтиб ўтилганидек, мана шу тантаналарга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврини миллий ўзлигимизни англаш мавсуми, бузилган тушунчаларни тўғрилаш, демак ҳақиқий юзни, ҳақиқий қоматни, ҳақиқий маърифатни халқимизга етказиш учун уриниш мавсуми деб билсак бўлади.

Жумҳуриятимиз ҳукуматининг қарорига биноан ўтказилажак бундай оламшумул тадбир мустақил ватанимиз тарихида барчамиз учун унутилмас байрам бўлишига имоним комил. Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг ҳаётлари, ижодлари, халқ тарбиясида ўтаган вазифаларини ўрганиш, ул зоти олий яшаган даврни, аллома асарларини тадқиқ этиш — буларнинг ҳаммаси улкан маънавий-руҳий фойда келтиришига шак-шубҳа йўқ.

Биз — кўплаб фуқаролар, уламолар, Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг жамоаси истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлган ҳолда Муҳаммад ибни Муҳаммад Жалолиддин Бухорий таваллудининг 675 йиллигини муносиб нишонлаш йўлида, иншооллоҳ, кўп савобли тадбирларни амалга оширгусимиз.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

● ТОШКЕНТ шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги циркда Қизил Яримой жамиятига маблағ йиғиш муносабати билан ўтган хайрия концертидан лавҳалар.
Суратқаш Л. АЛЬБЕКОВ.

• Маблағ тўплаш ўн кунлиги давом этмоқда

ВИЛОЯТ ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИГА КИМ ҚАНЧА ПУЛ ЎТКАЗДИ?

Бекобод шаҳридаги 55-ҳунар-техника билим юрти	— 1000 сўм
Қуйичирчиқ район халқ таълими бўлими	— 4420 сўм
Янгийўл шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти	— 1000 сўм
Янгийўл шаҳридаги 30-мактаб	— 310 сўм
Ангрендаги 4-ўрта ҳунар-техника билим юрти	— 1000 сўм
Ангрендаги 10-ўрта ҳунар-техника билим юрти	— 1000 сўм
Келесдаги 19-ўрта ҳунар-техника билим юрти	— 1000 сўм
Бекобод шаҳридаги 55-ўрта ҳунар-техника билим юрти	— 1000 сўм
Янгибозордаги 25-ҳунар-техника билим юрти	— 1000 сўм
Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими	— 67000 сўм
Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси	— 8975 сўм
Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти	— 26046 сўм
Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими	— 103375 сўм
Вилоят болалар шифохонаси	— 83000 сўм
Вилоят кўз касалликлари шифохонаси	— 2000 сўм
Тошкент вилоят физиотерапия шифохонаси	— 10000 сўм
Вилоят маданият бошқармаси	— 8522 сўм

ТАҲРИРИЯТДАН: Вилоятимизда Қизил Яримой жамиятига маблағ йиғишга бағишланган махсус тадбирлар — хайр-эҳсон кечалари ўтказилмоқда, бу хайрли ва савобли ишга ҳисса қўшиш истагини билдираётганлар сафи кенгаймоқда. Юқорида уларнинг бир гуруҳини маълум қилдик. Лекин шу билан бирга бу соҳада оммавий сафарбарлик ҳозирча сезилмаётганлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Қатор район ва шаҳардаги турли ташкилот ва муассасалар, корхона ва хўжаликлар ҳали ўзлари ихтиёрий равишда ваъда қилган ҳай;рияларини ўтказганларича йўқ.

Шуни ҳам алоҳида эслатиб ўтиш керакки, вилоят Қизил Яримой жамғармасига тушадиган маблағлар энг савобли ва зарур ишларга сарфланади: кўп болали, кам таъминланган оналар, дардманд беморлар, етим-есирлар ва бева-бечоралар, қаровчиси йўқ кекса нафақахўрлар, турли табиий офатлар туфайли моддий зарар кўрган оилалар, хуллас, энг муҳтож одамлар ана шу маблағлардан баҳраманд бўладилар, эл-юрт мурувватидан мадад оладилар.

Тома-тома кўл бўлур дейди халқимиз. Жамғармага баҳоли қудрат маблағ ўтказиш йўли билан миллионлаб пул йиғиш мумкин. Бундай жамғарма эса энг муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашда жуда қўл келади. Бундай хайрли ва савоб ишга даҳлдор бўлиш — барчанинг олий инсоний бурчидир.

Ана шу улуғ савобдан четда қолмайлик, Қизил Яримой жамғармасини кўпайтиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшайлик!

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ДЎСТЛИК КЎРГАЗМАСИ

Тошкентда Хитой Халқ Республикасининг Шинжонг-Уйғур мухтор ноҳиясига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси очилди. Республика архитекторлар уюшмаси биносининг залига қўйилган рангли фотосуратлар Хитойнинг йирик маъмурий районининг табиати, иқтисодиёти, у ерда яшовчи халқларнинг маданияти, турмуши ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан ХХР Шинжонг халқ дўстлик жамияти ташкил этди. Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э. Самандаров билан Шинжонг-Уйғур мухтор ноҳияси сиёсий маслаҳат комитети раисининг ўринбосари Ф. Дазен тантанали вазиятда очдилар.

Кўргазмани очиш маросимида иштирок этган Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэнгуан ЎзА мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Кўргазма ҳам шу жараёнга ёрдам беришига ишончим комил.

Биз кўргазма ташкилотчиларидан миннатдормиз.

Хитой элчихонасига ҳам миннатдорчилик сўзларини айтиш мумкин. Республика Қизил Яримой жамиятига хайрия ёрдами ўн кунлиги давомида элчихона жамиятнинг жамғармасига икки юз минг сўм пул ўтказди.

●

«МАФТУНКОР ШАРҚ»

ЧИРЧИҚ шаҳридаги 76-мактаб интернатида Ёқутхон Тўлаганова сценарийси асосида саҳналаштирилган «Мафтункор Шарқ» деб номланган театрлаштирилган томоша бўлиб ўтди. Ўқувчилар ўзбек миллий урф-одатлари, ўланлар, ёр-ёр, айтишувлардан иборат томошани маҳорат билан ижро этдилар. Айниқса, Нигора Абдураҳмонова, Ойдин Нозибоева, Беҳзод Мамадалиев, Мамбет Султонов, Феруза Садирбоевалар ижролари томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

Айни кунларда мазкур ижодий жамоа «Алла айтинг, онажон» деб номланган томошаси устида ишламоқда.

●

«ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ МАЛИКАСИ»

ПОЙТАХТ шаҳар Собир Раҳимов районидаги 4-маданият уйи ижодкорлари мумтоз шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб тайёрлаган «Ғазал мулкининг маликаси» деб номланган адабий-мусиқали кечани мухлислар ҳукмига ҳавола этдилар. Нодирабегимнинг изтиробли қисмати, ўша дамдаги Қўқон салтанати, унинг салтанат ишларида тутган ўрни саҳнага олиб чиқилган мазкур томошада шоира образини ҳаваскор актриса Мадина Қосимова маҳорат билан ижро этган. Ҳамдам Акромов саҳнага қўйган бу мусиқий дастурдаги асосий ролларни Абдумалик Юсупов, Абдурашид Қорабоев, Акром Эгамбердиевлар ижро этганлар. Томоша мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ,
Маданият ишлари вазирлигининг ахборот маркази ходими.

1993 ЙИЛ—ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙ ЙИЛИ

Таваллудига 900 йил тўлиши муносабати билан 1993 йил туркий дунёда улуғ мутафаккир, буюк мутасаввуф ва хассос шоир Хўжа Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинди. Озарбойжон Республикаси пойтахти — Бокуда ўз ишини якунлаган туркийзабон давлатлар маданият вазирларининг иккинчи кенгаши шу тўғрида қарор қабул қилди, деб хабар тарқатди Озаринформ ахборот маҳкамаси. Анжуманда Кипр, Озарбойжон, Туркия, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон вакиллари иштирок этдилар. Татаристон Республикаси вакиллари эса кузатувчи сифатида ҳозир бўлдилар. Кенгаш ишида фаол қатнашган Ўзбекистон вакиллари гуруҳига республика маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи З. Ҳакимов бошчилик қилди.

Кенгашда шу йилнинг июнь ойида Истанбулда ўтган биринчи учрашув чоғида имзоланган битимга биноан тузилган давлатлараро идора — туркийзабон мамлакатлар маданият вазирлари кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама этилди. Бу ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири туркийзабон мамлакатларнинг маданият соҳасидаги ҳамкорлигини уюштириш ва мувофиқлаштириб туришдир.

Анжуман туркийзабон мамлакатлар маданият вазирларининг кенгашини ҳар олти ойда бир марта бирор қардош давлатнинг пойтахтида ўтказиб туришга қарор қилди. Учинчи учрашув келаси йилнинг июнь ойида Қозоғистон Республикаси пойтахтида ўтказиладиган бўлди. Кенгашлар оралиғида эса қароргоҳи Анқарада бўлган «Турксой» ишчи гуруҳи доимий фаолият юритади.

(ЎзА).

ХАЙРЛИ ИШНИНГ ҚАНОТИ БОР

Ҳа, шундай. Хайрли ишнинг қаноти бўлар экан. Вилоят бўйича Қизил Яримой жамияти жамғармасига маблағ ўтказилганлиги тўғрисидаги биринчи хушхабарни Ангрендан олган эдик. Шуниси қувончлики, бу шаҳарда ҳоким С. Ю. Юсупалиевнинг ўзи саҳоватли тадбирнинг уюшқоқлик билан ўтишига бош-қош бўлмоқда. Унинг даъватига кўра ўн кунликнинг дастлабки куниданоқ жамғармага мингминглаб маблағ келиб туша бошлади. Хусусан, Ангрен кўмир разрези жамоаси 400 минг сўм ўтказган бўлса, бу ердаги кичик корхоналар бу кўрсаткични биргаликда ундан ҳам ошириб юборишдилар. Биргина «Ситора» корхонаси 250 минг сўмни жамғармага бағишлади.

Бундай саҳоватли ташкилотлар, корхоналар ҳақида гап борар экан, вилоят халқ таълими бўлимининг ҳамиятли ишда алоҳида фаоллик кўрсатаётганлигини таъкидлаш керак. Бўлим ходимлари ўз шахобчаларидаги ташкилотлар раҳбарларига бу муҳим ишнинг моҳиятини чуқур тушунтира олдилар. Натижада Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлимининг ўзигина 67 минг сўм пулини жамғармага ўтказиб берди. Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти эса 26 минг сўмдан зиёдроқ маблағи билан ҳисса қўшди. Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими Қизил Яримой жамияти моддий базасини мустаҳкамлашга астойдил киришди ва 103 минг сўм пул ўтказди.

Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари мазкур тадбирдан четда турганлари йўқ. Физиотерапия шифохонаси 10 минг сўм, кўз касалликлари шифохонаси 2 минг сўм, вилоят болалар шифохонаси 8300 сўм маблағи билан жамғармани бойитди.

Биз республика миқёсида ўтаётган бу ҳаракатда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги шифохоналарда ҳайрия учун катта маблағ тўпланганлигини ҳам мамнунлик билан таъкидлаймиз. Пойтахт циркида уюштирилган бу тадбир ҳақида газетамизнинг олдинги сонларида материаллар босилди. Эндиликда шаҳар Қизил Яримой жамияти бу тадбирнинг ташаббускорларига номимиздан миннатдорчилик билдириб қўйинг, дея газетамизга мурожаат этмоқда.

Саҳоватли кишиларнинг беғараз хотамтойликлари туфайли барча шаҳар ва районларда Қизил Яримой жамиятлари бундан буён маблағ сўраб, бировга илтижо қилмайдилар. Уларнинг мустаҳкам, бадавлат жамғармалари бўлади. Муҳтожларга хизмат қилишда белларини маҳкам боғлайверадилар. Вилоятимизда эса хайрли иш янада кенгроқ қулоч ёйверади.

С. ҲАСАНОВ.

ИНСОНИЙЛИК

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Кимки бечораҳол кишига ёрдам берса, Тангри унга икки дунёда ёрдам беради.
Ҳадиснан.

ЖАННА Васильевна эрталаб ишга кетаётиб, йўлнинг четида турган 80—85 ёшлардаги кампирга кўзи тушди. Кампир юпқа-юпун кийинган, эрталабки совуқдан дир-дир қалтирарди. У кампирнинг адашиб қолганига ишонч ҳосил қилгач, уни ўзи ишлайдиган Сиргали тумани иҳтимоий таъминот бўлимига олиб борди. Кампирга иссиқ чой дамлаб берди. Кампир анча ўзига келгач манзилгоҳини эслади. Маълум бўлишича, у Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ туманидаги Сиргали давлат хўжалиги, Ленин кўчаси, 2а уйда истиқомат қилар экан. Валерий исмли ўғли, келини ва бир қанча неваралари борлигини эслайди.

...Бундан 20 кунларча илгари Матрина Прокофьевна Солдатскийга бормоқчи бўлиб уйидан чиқади. Адашиб Тошкент шаҳрига келиб қолади. Лекин унинг эсида фақат «Сиргали» давлат хўжалиги қолади. Тошкентга келган кампир Сиргалига қандай бориш кераклигини одамлардан сўраяпти. Одамлар унга Тошкентнинг Сиргали туманига бориш йўлларини кўрсатишади...

Шу-шу қариб йигирма кун кампир турли жойлардан паноҳ топади, ташланган қотган-қутган нонларни еб кун кечиради...

Жанна Васильевна бўлиб ўтган воқеани бўлим мудири ўринбосари Ҳалима Дадановага маълум қилади. Ҳалима опа кампир билан суҳбатлашгач, 20 кун азоб тортган кампирни уйига, Қуйичирчиқ туманига олиб бориб қўйиш йўлларини қидиради. Лекин қандай қилиб? Кампирнинг ўзини ёлғиз Қуйичирчиққа қатновчи автобусга чиқариб юбориб бўлмайди. Ким билади, яна йўлда адашиб кетиши мумкин. Қаричилик.

Ҳалима опа бунинг йўлини топди. Шу куни бўлимда шахсий машинаси бор ногиронларга бензин учун талон тарқатилаётган эди. Ҳалима опа бўлган воқеани бензинга талон олиш учун келганларга маълум қилади ва Қуйичирчиққа бориб келиш жуда зарурлигини айтади. Лекин ҳозирги бензин танқислиги шароитида ким ҳам машинасида узоқ манзилга бориб келишга рози бўларди. Йўқ, орамизда яхши кишилар кўп. Улар ҳеч қачон савобдан қочмайдилар. «Қўйлиқ-5» даҳасида II гуруҳ ногирони Акром Аҳмедов ана шундайлардан бири. У «Кампирни мен олиб бораман», деди.

Ҳалима опа, Матрина Прокофьевна ва Жанна Васильевналар Акром аканинг машинасида Қуйичирчиқ томон йўлга отландилар. Манзилга етиб келгач, келин билан қайнонанинг дийдор кўришишларини, йиғи-сиғисини айтмайсизми, буни таърифлашга сўз топиш қийин. Маълум бўлишича Матрина Прокофьевнанинг бедарак кетганидан кейин ўғил билан келинининг изламаган жойи қолмаган. Туман ички ишлар бўлимига ҳам маълум қилиб, қидирув эълон қилдиришди. Натижа бўлмагач, онадан умидларини узишиб, ўлдига чиқаришган.

Дунёда диёнатли, ўз инсонийлик бурчини, меҳр-мурувватини йўқотмаган инсонлар кўп. Мақоламиз қаҳрамонлари билан танишинг: Жанна Васильевна Каханова — Сиргали тумани иҳтимоий таъминот бўлимининг катта йўриқчиси, Ҳалима Абиловна Даданова юқорида айтиб ўтганимиздек, бўлимнинг мудир ўринбосари ва катта савоб ишга қўл урган II гуруҳ ногирони Акром ака Аҳмедовлардир. Ҳа, айтгандай туман иҳтимоий таъминот бўлимининг мудири Муҳиддин Мухторович Мухторов ҳам ўз жамоасида шундай инсонпарвар кишилар ишлаётганидан хурсанд.

Шуҳрат МУРОДОВ,
журналист.

• ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ •

«ОСИЁ» БИРЛАШМАСИ

корхона, ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликларига кичик кўчма ғишт заводларини таклиф қилади. Ғишт заводлари бир йилда 8 миллион донагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ғишт заводининг баҳоси йиғиб-ўрнатиб бериш билан бирга 2.700.000 сўмни ташкил қилади.

Бизнинг манзилгоҳ: 732010, Термиз ш., 5-микрорайон, 10-уй.

Телефонлар: 4-98-86, 4-48-45.

Телефакс: 4-98-87.

Чирчиқ шаҳар автотранспорт корхонаси жамоаси мазкур корхона директори Эркин Маъруфович Йўлдошевга отаси

Маъруф ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Истиқлол» маҳалла қўмитаси, «Маърифат» ва «Сафари» кичик корхоналари жамоалари Яккасарой райони ҳокимининг муовини Т. В. Сайфуллаевга опаси

Мўътабар Ваҳобовна КОМИЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-516. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.50. 31730 нусха босилди.